

Оқсарой қароргоҳида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 май куни Оқсарой қароргоҳида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Хорст Кёлер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимизнинг мазкур халқаро молиявий муассаса билан алоқалари ҳар икки йилда янгиланиб турадиган «Ҳамкорлик стратегияси»га асосланади. 1998 йилнинг 2 декабрида ЕТТБ 1999-2000 йилларга мўлжалланган навбатдаги стратегияни маъқуллаган. Банкнинг Ўзбекистондаги фаолияти асосан минерал-хомашё заҳираларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш, энергетика мажмуи, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, агробизнес ва пахтани қайта ишлаш, банк-молия соҳалари, шунингдек, сайёҳлик инфратузилмасини равнақ топтириш билан боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлар экан, айни пайтда ўзаро ҳамкорликда умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этадиган қатор лойиҳалар амалга оширилаётганини қайд этди. Президент Ислом Каримов ЕТТБ билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, икки томонлама алоқаларни янада юқори поғонага олиб чиқиш имкониятлари кўплиғини айтди.

Х. Кёлер ҳам Ўзбекистонга келишидан мақсад ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалаларини ўрганишдан иборат эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ЕТТБ иштирокидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиш жараёни кўриб чиқилди. Шунингдек, томонлар янги лойиҳалар бўйича ўзаро фикр алмашиб, ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалаларини ҳам муҳокама қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, молия вазири Р. Азимов иштирок этди.

Қабулда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари К. Накадзава ҳозир бўлди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 1 июнь, сешанба • № 64 (24.459).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Вазирлар Маҳкамасида учрашув

Ўзбекистонга ташриф буюрган Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Х. Кёлер бошчилигидаги делегация аъзолари Бош вазир Ў. Султонов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболига оид масалалар муҳокама этилди. Мазкур муассаса билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик йўналишлари кенгайиб бораётгани эътиборга молик, деди жумладан Бош вазир. Хусусан, ЕТТБ мамлакатимизда банк ва молия соҳасидан ташқари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга ҳам алоҳида қизиқиш билан қараяпти.

Биз кичик ва ўрта бизнесни нафақат молиявий қўллаб-қувватлаш, балки бу йўналишда консалтинг хизмати кўрсатиш, тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, банк соҳасида кадрлар ўқитиш борасида ҳам ҳамкорликни ривожлантирмоқчимиз, деди Х. Кёлер музокаралар чоғида. У ўзи раҳбарлик қилаётган банкнинг Ўзбекистонда кечаётган ислоҳотлар жараёнини тўла қўллаб-қувватлашини таъкидлади. 2003 йилда ЕТТБ Бошқарувчилари кенгашининг йиллик мажлисини Тошкентда ўтказишга қарор қилинганини бу хайрихоҳликнинг яққол исботидир, деди жумладан у.

Музокараларда Ўзбекистон томони иккита масалани ўртага ташлади. Булар хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузиш, шунингдек, Сирдарё ГРЭСини таъмирлаш бўйича лойиҳаларни тўла-тўкис амалга ошириш борасидаги ҳамкорликдир. ЕТТБ президенти ушбу таклифлар ўрганилиб, ижобий ҳал қилинажагини айтди.

(ЎзА)

Адиб хотираси

Булоқбоши туманининг сўлим гўшасида атоқли ёзувчи, шу юрт фарзанди Мирзакалон Исмоилийнинг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди. Ушбу йиғинда адибнинг жияни, машҳур ёзувчи Тоҳир Малик, кўплаб китобхон ва ёзувчилар қатнашди. У Мирзакалон Исмоилий ҳақидаги хотираларини ҳикоя қилди. Шунингдек, ёзувчи ҳаётига оид бир неча ноёб ҳужжатларни Мирзакалон Исмоилийнинг уй музейига топширди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Беморларга бепул овқат берилади

Саломатлик — бебаҳо бойлик. Унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Одамларнинг кайфияти, саломатлиги қанча яхши бўлса, мамлакатимизнинг келажаги порлоқ, пойдевори мустаҳкам бўлади.

Қонликўл тумани ҳокимлиги касалхоналарда даволанаётган беморларнинг барчасини 1 июндан, яъни бугундан бошлаб бепул овқат билан таъминлаш ҳақида қарор қабул қилди. Бунинг учун тумандаги мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилмоқда.

— Ҳокимликнинг бу қарори туманимиз меҳнаткашлари учун ғамхўрлик намунаси, — дейди туман марказий шифохонаси бош ҳакими Фарҳод Умбетов, — биз жамоамиз билан 10 гектар майдонга шоли, 2 гектар майдонга сабзавот экдик. Бундан олинган маҳсулот беморлар учун қўшимча озиқ-овқат бўлади.

Хуллас, барча соҳалар каби аҳоли саломатлиги йўлида қилинган ишлар жамиятимизда инсонпарвар сиёсат юргизилаётганининг ифодасидир.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Шохрух»да дона суриб

Наманганда олий табақада қатнашувчи шахматчилар ўртасида Ўзбекистон чемпионати давом этмоқда. Юртимизда шахмат ҳам энг оммавий ва севимли спорт турларидан бирига айланган. Мусобақанинг очилишида вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов шу ҳақда фикр юритди. Кейин ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлган самарқандлик И. Ҳамроқулова билан М. Жумаевларга ФИДЕ қарорига биноан берилган халқаро тоифадаги спорт устаси кўкрак нишонлари тантанали тақдим этилди. «Шохрух» шахмат клубида эса чемпионат баҳслари қизғин тус олмоқда. Ҳозирча тошкентлик Александр Ненашев пешқадамлик қилмоқда. У чирчиқлик Михаил Салтаевдан устун келди. Шахматчилар жами 12 тур мобайнида ўзаро дона сурадилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Бугун — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Владимир ПАНОВ олган сурат

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Тараққиёт йўлидаги тўсиқлар»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 1 апрель сонида чоп этилган «Тараққиёт йўлидаги тўсиқлар» сарлавҳали мақолада кўрсатиб ўтилган хато ва камчиликлар республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан биргаликда атрофлича ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам мақолада кўрсатиб ўтилган нуқсонлардан юз ўгириб бўлмайди. Бу ҳақда 1999 йил 26 мартда бўлиб ўтган Хоразм вилояти халқ ноибларининг навбатдан ташқари сессиясида республика Президенти қишлоқ хўжалигида йўл қўйилган камчиликларга ўз вақтида жуда тўғри баҳо бериб, «Кейинги пайтларда вилоятда кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, қандай йўл билан бўлмасин режани бажариш, шон-шуҳрат қозониш, эришилган ютуқни кўз-кўз қилишдек салбий ҳолатлар пайдо бўлмоқда» деб алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Хато-камчиликларга йўл қўйган тегишли ходимларга нисбатан аниқ чоралар кўрилди. Шунингдек, 1998 йил якунларига кўра, Хазорасп, Гурлан, Қўшкўпир туманлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари ишдаги нуқсонлари учун огоҳлантирилиб, Боғот туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалиги раиси, шу тумандаги Алишер Навоий номли ва «Туркистон» жамоа хўжаликларининг бош ҳисобчилари, Янгибозор туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигини раиси ишлаб турган вазифаларидан бўшатилган.

«Тараққиёт йўлидаги тўсиқлар» номли мақола вилоят ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида раҳбар ва мутахассислар иштирокида яна бир бор ўрганиб чиқилди ва бундай ҳолларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари белгиланди.

1999 йилда амалга оширилаётган ишлар вазирлик ва унинг мутасадди ташкилотлари томонидан назоратга олинган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С. МУРОДОВ

«Кимга сиғиняпсан, келинчак?»

Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан газетанинг шу йил 22 апрель сонида чоп этилган «Кимга сиғиняпсан, келинчак?» сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилди.

Мақолада айтилган — иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган фарғоналиклар хотирасига ўрнатилган ушбу ёдгорлик 1977 йил 6 ноябрда қўйилган. Дарҳақиқат, бугунги кунда ёдгорлик миллий истиқлол ғояларига жавоб бермайди.

Вилоят ҳокимлигининг 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлаш тўғрисидаги тадбирларга асосан юқоридаги ёдгорлик ўрнида уруш йилларида фарзандларини йўқотган оналарга ҳайкал қўйиш режалаштирилган.

Фарғона шаҳар ҳокимлигига ушбу масала бўйича таклиф билан вилоят ҳокимлигига кириш ҳақида кўрсатма берилди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимига никоҳ рўйхатидан ўтаётганлар Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкал пойига гул қўйиш бўйича тавсия берилди.

Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари Ф. АЗИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 1 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	76,76	10 Люксембург франки	30,58
1 Австрия шиллинги	8,96	1 Малайзия ринггити	31,00
1 Англия фунт стерлинги	188,51	1 Германия маркаси	63,07
10 Бельгия франки	30,58	1 Польша злотийси	29,58
1 Голландия гульдени	55,97	1 СДР	158,44
10 Греция драхмаси	3,80	1000 Туркия лираси	0,29
1 Дания кронаси	16,60	1 Финляндия маркаси	20,75
1 БАА дирхами	32,08	1 Франция франки	18,80
1 АҚШ доллари	117,81	1 Швейцария франки	77,48
1 Миср фунти	34,58	1 ЕВРО	123,35
10 Испания песети	7,41	10 Жанубий Корея вони	0,99
1000 Италия лираси	6,37	10 Япония иенаси	9,75
1 Канада доллари	79,83	1 Россия рубли	4,82
1 Хитой юани	14,23	1 Украина гривнаси	30,02

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Гоҳ маблағ йўқ, гоҳ...

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарорлари академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва маблағ билан таъминлаш дастурини белгилаб берди. Қорақалпоғистонда ҳам ҳар туманда биттадан касб-ҳунар коллежларини қуриш ишлари бошланди. Шунингдек, 10 та ҳунар-билим юртлари реконструкция қилиняпти. Янги ўқув йилидан бу илм масканлари касб-ҳунар коллежи сифатида фаолият бошлайди.

Беруний туманидаги касб-ҳунар техника лицейи асосида яратилажак коллежнинг барча ўқув бинолари, ётоқхоналари, устахона ва маиший хизмат мажмуи, ўйингоҳ ва ҳарбий тайёргарлик шаҳарчаси қурувчилар билан гавжум, иш қайнаяпти. Монтаж ва пардозлаш ишлари қизғин. Ўқув хоналари кенгайтирилиб, устахоналарда малакали мутахассисларни тайёрлаш учун барча қулайликлар яратиляпти.

Гарчи, маблағ бироз кечикиб, апрель ойининг охирларида ажратилган бўлса-да, май ойининг охиригача лойиҳа баҳосининг 45 фоизи битказилди.

Лицей директорининг ўринбосари Фарҳод Йўлдошев сметага кирмай қолган айрим ишлар ташвишлантираётганини айтди. Масалан, қозонхона яхши таъмирланиб, суюқ ёнилғи билан ишлашга мослаштирилмаса, қиш ойларида ўқув биноларини иситиш муаммоси туғилади, чунки бу вақтда газ босими пасайиб кетади. Ўтган йиллари ана шундай аҳволни бошдан кечиришга тўғри келган.

Барча таъмирлаш объектларида ишлар сust кетаётганини таъкидлаш жоиз. Буюртмачи ва пудратчининг ҳаракати, ишни оқилона ташкил этиш ва суръатини ошириш билан бу қолоқлик барҳам топади деган фикр кўнгилга таскин беради. Аммо...

Шуманайдаги 19-касб-ҳунар техника билим юрти базасида яратилаётган касб-ҳунар коллежининг янгидан қурилиши лозим бўлган иккинчи ўқув биносининг... битта гишти ҳам қўйилмаган. Қурилиши лозим бўлган жойдаги каттагина чуқурда пойдевор «ёстиқлари» тартибсиз қалашиб ётибди. Қурилиш бошида бирор ишчи йўқ. Прораб Иборат Каримов қурувчилар гишт тушириш учун бошқа корпусга ўтказилганини айтди.

— Кран йўқ, иш ҳажмига кўра объектда ҳар куни 3-4 кран ишлаши керак. Биттагина кран бор, холос, — дейди у.

Қурилишни яна учта кран билан ким таъминлаши керак — 324-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна раҳбарими ёки юқори ташкилот «Ресагрострой» ёшуллиларими?

Коллежнинг таъмирланаётган ўқув биноси, маиший хизмат мажмуидаги ишлар ҳам ўлда-жўлда. Убу ишларга қўл уриб бошлаб қўйилган, аммо қурилиш материаллари етишмаганидан ҳаммаси тўхтаб қолган.

Пардозлаш ишларидан олдин сантехника, электр монтаж ишлари бажарилишини мутахассис бўлмаган киши ҳам билади. 324-ХКМК раҳбарлари буни билмайди дейишдан йироқмизу, лекин ишларни таҳлил қилсак...

Сантехника ишлари май ойида якунланиши керак эди. Май ойининг 20-кунигача бу ишларнинг ўн фоизи бажарилган, мавжуд ашёлар билан яна ўн фоиз иш амалга оширилиши мумкин. Шу кунгача смета бўйича талаб қилинадиган 6 минг 100 погон метр қувурдан 160 погон метр, 5 минг 312 дона радиатордан 24 тасигина олинган. Бирон метр ҳам кабель олинмаган.

— Тендер танловларидан февраль ойининг охирларида ўтдик, — дейди колонна бош муҳандиси Алиасқар Айитмуродов. — Апрель ойида 36 миллион 543 минг сўм берилди. Шундан 34 миллион сўми қурилиш материаллари учун ўтказилди...

Муҳандиснинг гапига яна шуни қўшимча қилиш мумкин: салкам бир ой давомида ўтказилган пулнинг ярмига қурилиш ашёлари олинган, қолган ярми қачон объектга келиб тушади — буниси номаълум...

Гапни мухтасар қилсак, лойиҳа бўйича жами 168 миллион 264 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Май ойининг 20-кунигача 8,2 фоиз маблағ ўзлаштирилган...

Қурилишдаги қолоқлик сабаблари ҳақидаги айрим саволларимиз жавобсиз қолди — колонна бошлиғи Тенгел Алламуратов Нукусга, навбатдаги «разбор»га кетган эканлар.

Ишқилиб, бу мажлис қурилишда бурилиш ясасин-да.

Бўлмаса... янги ўқув йилида Шуманай касб-ҳунар коллежининг ўқитувчи ва ўқувчилари кўчада қолиши тайин.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ёшлар бизнинг қанотимиз

Ислом КАРИМОВ:

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзусидаги маърузасида жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа томонларини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Унда ўтаётган ҳар бир кун, тиним билмас вақт бизни XXI асрга тобора яқинлаштираётгани, шу муносабат билан «Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур? Ва нималардан воз кечишимиз даркор? Ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз? Янги минг йилликда қандай муаммолар ечими бизнинг диққат-эътиборимиз марказида турмоғи лозим?» деган саволларга жавоб излашга тўғри келаётганлиги таъкидлаб ўтилган.

Юқори малакали ва маънавияти юксак бўлган мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш мамлакат истиқболини белгилаб берувчи бош омиллардан биридир. Жамиятимизнинг тараққиёти, бугунги ва эртанги куни, элюртимизнинг буюк мақсадлар йўлида жипслашиши — замонавий дунёқараш, умуминсоний ва миллий қадриятларнинг вориси бўла оладиган бўлажак авлоднинг фидойилиги, изланувчанлиги, янгиликка интилувчанлиги, умрини бунёдкорликка қандай йўналтира олганлигига айнан Республика ўқув юртлари бугунги талаба-ёшлар билан ўқув — услубий, илмий, маънавий-тарбиявий ишларни қай йўсинда кураётганлигидан келиб чиқади.

Буюк Истиқлол туфайли миллатимизнинг бебаҳо қадриятлари — қадр-қиммат, оқибат, аҳиллик, меҳр-мурувват каби фазилатлар ҳаётимиздан тобора мустаҳкам ўрин олмоқда. Ижтимоий-сиёсий ва маънавий тафаккуримизнинг халқимиз дунёқарашининг ривожи учун равон йўллар очилди.

Мустақил Ўзбекистонда Миллий давлатчилик янги тарихий шароитларда вужудга келмоқда. Мамлакат ижтимоий ҳаётини тубдан ислоҳ қилиб, бошқарув тизимини ўзгартириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кечишида туб ўзгаришларга эришиш, юздан ошиқ миллату элатларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, инсон қадр-қиммати, манфаати, маданият, она тарихга муносабат, иқтисод ва фан-техника ривожини жадаллаштириш, айниқса, келажаги буюк мамлакат таянчи ҳисобланиши баркамол авлод тарбияси ва таълимни юксак даражада ташкил этиш — инсоният яратган барча моддий ва маънавий қадриятлар, удумлар, анъаналар, яъни маданиятимиз дурдоналарини ўзлаштира олиш имкониятлари натижасидир.

Ҳар қайси замон баркамол инсон идеалига ўз ўзгаришларини киритади. Бу табиий ҳол, албатта.

Бироқ баркамол инсон қиёфасида руҳ ва вужуд уйғунлигини ўзида намоён эта оладиган инсоний фазилатнинг юксак мажмуаси мақсаду ниятлар мужассамлашувига эришиш, уни шакллантириш ва намоён этиш, инсонни ижтимоий жараёнлар силсиласида шахсга айлантиради.

Инсоният яратган умуминсоний ва миллий қадриятларнинг ўзлаштириб олиниши ўз навбатида, жамият-шахс муносабатларида икки томонлама алоқадорликни вужудга келтиради. Бир томондан, жамиятда ижтимоий муносабатлар шахсни шакллантирса, иккинчи томондан, ўз навбатида шахс ҳам шундай жамиятни юзага келтиради.

Инсоннинг баркамоллиги ўзини-ўзи ҳурмат қилиши, англаши, бошқаларни эъзозлаши, ор-номуси, шаъни каби қатор эҳтиёжлари даражаси билан ўлчанади. Унинг эркинлиги мазкур жамият ижтимоий тузуми, ижтимоий муносабатларнинг турли характерига (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий), яшаётган жамият фуқароларининг маънавий-маърифий даражасига, жамият олдидаги бурч ва масъулиятини бажара олишлари каби туйғулари қандай эканлигига боғлиқ.

Талаба-ёшларда шакллантиришимиз лозим бўлган энг юксак эътиқод, энг юксак туйғу — бу Ватан туйғуси, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси. Фидойи ватанпарварни шакллантириш, унинг қайси давлатга ёки миллатга мансублигига, ички-ташқи дунёсига, турмуш тарзига ва ҳаттоки унинг юз тузилишига, шунингдек хусусиятлари, кийиниш одоби кабиларга қараб ҳам фарқланадики, буларнинг барчаси миллий маданиятимизнинг бугунги ҳолати ва келажаги хусусида фикр - мулоҳаза билдириш имконини беради.

Ўзбекистон барчамиз учун она Ватан ҳисобланади. Ўзбекистонни идрок этишни ҳар бир бўлажак мутахассис онгига сингдиришимиз лозим. Шунингдек, Ватанни севиш, уни мадҳ этиш барча авлоду аждодларимизга хос хусусият бўлган.

Юртимиз тарихига назар соладиган бўлсак, Широқ, Алп Эр Тўнга, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур ва бошқаларнинг Ватан учун жонкуярлиги Ватан олдида хизматларини бажаришга бўлган ибратли муносабатлари мисолида айни ватанпарварлик ва миллатпарварликни намоён этишнинг юксак чўққисини эгаллаганликларини кўрамиз.

Шундан келиб чиқиб, бу борада мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур» талаблари асосида маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва қўникмалари даражасига чиқариш вазифасини уддалаш муҳимдир.

Юксак маънавият — миллий равнақимизнинг бош омили эканлигидан келиб чиқиб, одоб-ахлоқли, юксак илму маърифатли, миллат қадриятларини ўзида чуқур намоён этувчи, истиқлол масъулиятини теран англаган, она-Ватанни чексиз севувчи ва унинг гуллаб-яшнаши учун фидойи бўлган баркамол шахсни шакллантириш йўлида ҳар бир ўқув юрти жамоаси томонидан маънавият - маърифат ишининг мақсади, йўналишлари ва вазифаларини мукаммал белгилаб олиш яхши самара беради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, талаба-ёшларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ватанпарварлик ва миллатпарварликнинг олтин бешиги — Ватанни севиш, унинг эгаси саналмиш, қадимданоқ маданий ўлка ҳисобланган юртимиз халқининг қадрига етмоқ, уни эъзозу-эътироф этмоқ, унинг ўтмиши, бугуни ва келажагини билиш ва у билан ғурурланиш, Ватан равнақи учун чин юракдан хизмат қилиш, унинг фидойиси бўлиш барча фарзандларимизнинг бурчи. Президентимиз Ислом Каримов: «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур», — деган даъвати мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг ўзлигини англашда буюк аҳамият касб этади.

Наим ОБЛОМУРОДОВ,
Тошкент молия институти ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи ўринбосари, профессор.

Муштарак мақсадлар

Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия кенгашининг ҳамда тафтиш комиссиясининг маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

— 4322 аъзомиз бор, _ деди биринчи котиб. — Улар 205 та ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотларида фаолият кўрсатишмоқда. Энг муҳими, партиядошларимиз орасида ташаббускорлар анчагина. Қувонарлиси шуки, жорий йилда сафимизга қўшилиш истагини билдираётганларнинг аксариятини ёшлар ва хотин-қизлар ташкил этаяпти. Бу яхши. Бироқ, ижтимоий-сиёсий онглилик даражаси кўнгилдагидек эмас. Буни бизнинг баъзи аъзоларимиз тўғри тушунмоғи керак ва ўзига нисбатан шу тарзда талаб қўйиши мақсадга мувофиқдир.

Музокарада сўзга чиққанлар шаҳар партия ташкилоти фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни мисоллар асосида очиқ-ойдин билдиришди.

— Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этишда партиядошларимизнинг жонбозлигига суянамиз, — деди вилоят касб-ҳунар бошқармаси бошлиғи Руйиддин Раҳимов. — Буни улар чуқур ҳис этишлари лозим. Чунки ёшларнинг мукаммал билим олишлари ва ҳунар ўрганишлари истиқболимиз ва тараққиётимизни белгиловчи асосий мезонлардан ҳисобланади. Уларни руҳлантириш, Юртбошимиз олға сурган ғоялар сари илҳомлантириш муҳимдир.

Ёшлар ва партия ҳамкорлиги асосида шаҳарда кўпгина тадбирлар амалга оширилган. Бироқ, ҳали ҳамкорликнинг очилмаган имкониятлари талайгина. Республика ёшлар «Камолот» жамғармаси Қарши шаҳар бўлими раиси Фурқат Раҳмонов, жумладан шундай деди:

— Гарчи мақсадларимиз муштарак бўлса-да орамизда салгина узилишлар бордек. Истардимки, шаҳар партия ташкилотининг фаоллигидан биз ҳам андоза олсак. Ташаббускорлигидан руҳланса. Ёшларнинг ижтимоий ҳимоясига доир тадбирларни биргаликда уюштирсак. Тағин бир мулоҳаза, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш керак, деб ўйлайман. Масалан, ҳамкорлигимизнинг илк натижалари — «Ёшлар клуби»даги ютуқларимизда кўриниб турибди-ку.

Анжуманда шаҳар партия ташкилоти фаолияти истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг навбатдаги конференциясига делегатлар сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Фармон Омонов, Қарши шаҳар ҳокими Йўлдош Қораев сўзга чиқишди.

Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгаши пленумида унинг биринчи котиби этиб Р.Муртазоев қайта сайланди.

Илҳом КАРОМОВ

***

Шу кунларда, Тўрткўл, Андижон, Бўз, Избоскан, Пахтаобод, Қўрғонтепа, Вобкент, Ғиждувон, Каттақўрғон, Пастдарғом, Сирдарё, Оқолтин, Музрабод, Қумқўрғон, Собир Раҳимов, Қарши, Қамаши, Охунбобоев, Боғдод, Данғара, Хазорасп, Хива, Янгиариқ туманлари ҳамда Питнак шаҳар партия конференциялари ҳам бўлиб ўтди. Уларнинг ишида Қорақалпоғистон республика партия кенгашининг биринчи котиби А. Асанов ва Тўрткўл тумани ҳокими С.Искандеров, Адижон тумани ҳокими муовини Ш.Умаров, Андижон вилояти партия кенгаши биринчи котиби С. Раҳимов ва Бўз тумани ҳокими Ҳ.Омонов, Избоскан тумани ҳокими С. Бегалиев, Пахтаобод тумани ҳокими О.Раҳимов, Қўрғонтепа тумани ҳокими муовинлари И. Буваназаров, И. Исмоилова, Бухоро вилояти партия кенгаши биринчи котиби Ж. Нуруллаев ҳамда Вобкент тумани ҳокими М.Эсонов ва Ғиждувон тумани ҳокими А. Мўминов, Каттақўрғон тумани ҳокими М. Худоёров, Пастдарғом тумани ҳокими биринчи муовини Р. Мамадалиев, ҳамда ушбу туманларда Самарқанд вилояти партия кенгаши биринчи котиби Р. Ҳамроқулов, Сирдарё вилояти партия кенгаши биринчи котиби Д. Қулматов ва Сирдарё тумани ҳокими С. Усмонов, Оқолтин тумани ҳокими О. Мирҳабибов, Музрабод тумани ҳокими Ж. Сатмуродов, Қумқўрғон тумани ҳокими Н. Чориев, Тошкент шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Л. Ғуломов ва Собир Раҳимов тумани ҳокими муовини Ш. Пўлатов, Қашқадарё вилоят ҳокими муовини К.Исмоилова, Қашқадарё вилояти партия кенгаши иккинчи котиби Р. Ражабов ва Қарши тумани ҳокими муовини С. Хайруллаев, Қамаши тумани ҳокими Ш.Сатторов, Фарғона вилояти партия кенгаши иккинчи котиби З. Абдуллаева ва Охунбобоев тумани ҳокими Н. Абдуқаҳҳаров, Боғдод тумани ҳокими биринчи муовини Э. Отахонов, Данғара тумани ҳокими А. Норқўзиев, Хазорасп тумани ҳокими Ҳ. Ибодуллаев, Хива тумани ҳокими М. Мадаминов, Янгиариқ тумани ҳокими биринчи муовини И. Қурбонов, Питнак шаҳар ҳокими И.Қурёзов иштирок этдилар.

Мазкур конференцияларда сайланган партия кенгашларининг ташкилий пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия кенгашларининг биринчи котиблари этиб, тегишлича, З. Раззоқов, У. Алимов, Н. Аҳмаджонов, М. Жўрабеков, М.Ғуломов, М. Ташланов, Ш. Қурбонов, Б. Исматов, Б. Шамаматов, Ш. Назарбердиев, М. Ахмедов, М.Муродова, Б. Бобоев, С.Зуннунова, А. Саидов, Ш. Амирқулов, Б. Норбўтаев, Ш. Асқаров, Р. Егиталиев, А. Абдураҳмонов, Т.Шокиров, З. Матназаров, И. Қўчқоров ва К. Отабоев сайландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

Бугунги кунда мамлакатимизда полимер маҳсулотларига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда. Буни ҳисобга олиб, Жиззах шаҳрида Хитой Халқ Республикаси мутахассислари билан ҳамкорликда қўшма корхона бунёд этилди. «Тасвир» деб номланган Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси ишга туширилганига кўп вақт бўлмаса-да, унинг маҳсулотлари харидоргирлиги билан ажралиб туради. Хориждан келтирилган замонавий дастгоҳ ва асбоб-ускуналар ёрдамида полимер қоп ва чигит экиладиган майдонларга ёпиладиган пленкалар тайёрланаётганлиги қувонарлидир. Корхона даромади ҳам ошиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида 375 миллион сўм соф даромад олинганлиги фикримизнинг далилидир. Яқинда бу ерда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Яъни корхона кенгайтирилиб, яна бир цех ишга туширилди. Бундан 25 нафар ёш йигит-қиз шод бўлишди. Чунки улар иш билан таъминланишди-да.

Суратда: ёш тиқувчи-моторист Дилбар Қосимова.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган сурат.

Тадбиркор фермер

ёки «меҳмон» овчилар

Табиатни муҳофаза қилиш Тошкент вилояти қўмитаси раиси ўринбосари Мухтор Аъзамов билан Бўстонлиқ туманига йўл олдик. Тўлабой Юнусов бизни яхши кутиб олди. Хонасида атроф-муҳит тозалиги хусусида суҳбатлашиб ўтирардик. Шу пайт эшик шаҳд билан очилиб, ёши олтмишлардан ошган жуссаси пишиқ киши хонага кириб келди.

— Гапларингиз ҳали-вери тугамайдиганга ўхшайди, менинг эса вақтим зиқ, кечгача Испайга етиб олишим керак, берухсат кирдим...

— Эй-й, Мирзарайим ака, келинг, келинг, суҳбатимизга қўшилсангиз мамнун бўламиз, — деди Т. Юнусов у одам билан самимий кўриша туриб бизга таништирар экан. — Бу отахон туманимизнинг юқори минтақасида юзлаб гектар боғроғлар яратган Мирзарайим Абдурахмонов бўладилар.

Суҳбатимиз атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида бораётганидан воқиф бўлган Мирзарайим ака ғайратланиб ўрнидан турди.

— Бундай муҳим масалани бу жойда эмас, далага чиқиб ҳал қилиш керак, не-не машаққатлар билан тиклаган кўпригимиз хавф остида турибди, буниям кўрасизлар...

Бурчимулла, Боғистон, Нанай каби тоғлар оралиғида жойлашган қадимий қишлоқлар хузурбахш жозибаси билан кишини ўзига тортади. Бу серфайз масканларда ширинсуҳан, меҳнатсевар, танти ва азамат инсонлар яшайди. Айниқса, уларнинг бир фазилатига қойил қоласиз, ҳар йили ҳовли ва кўчаларни тартибга солиш, ариқларни тозалаш сингари ҳашарларда каттаю- кичик астойдил иштирок этади. Бундай қутлуғ кунда ҳалим пиширилади, ҳашар байрам тусини олади. Катта ва салмоқли ишлар бажарилиши баробарида ҳаммаёқ чиннидек тозаланади. Ҳатто шундай хонадонлар борки, улар бутун ҳовлиси сахнини сип-силлиқ қилиб суваб ҳам қўядилар. Кўчаларда гўнгтепа ёки бирон-бир ҳунук чиқинди ва ташландиқларни учратмайсиз. Ариқлардан шарқираб зилэл сувлар оқиб туради. Тоғлардан келаётган бу зилол чашмалардан бемалол ҳовучлаб ичаверишингиз мумкин. «Оқар сув — Оллоҳ жамоли, уни булғаш гуноҳи азимдир!» — деб қўйишади улар. Ҳозирги кунда қишлоқлар водопроводлаштирилган. Водопровод тармоқлари ҳовлиларга киритилган. Булар ҳам асосан ҳашар йўли орқали амалга оширилган. Бундай покизалик, саранжом-саришталик ва ҳамжиҳатликни кўргач, албатта, кайфиятингиз кўтарилади, дилингиз равшан тортади.

Испай қишлоғига кўпчилигимиз илк дафъа қадам ранжида қилмоқда эдик. Пском йўлидан ўнг томондаги кескин қияликка бурилиб Пском дарёси устига ўрнатилган кўприкдан ўтдик. Ҳашар йўли билан испайликларнинг ўзлари тиклаган бу кўприкдан ҳар қандай юк машинаси бемалол ўта олади. Кўприк юзга яқин хонадонни қатта ҳаёт билан боғлаб турувчи ягона восита экан. Ушбу иншоотга серсув Пском дарёси чиндан ҳам хавф сола бошлабди. Мирзарайим аканинг ташвиши ўринли, кўприкка олиб тушадиган йўллар ҳам таъмирталаб бўлиб қолибди.

Мирзарайим ака каби ўтюраклар кўприк қурилишида жонбозлик қилган бўлсалар, Испай қишлоғининг тўлиқ водопроводлаштирилишида эса шу ерлик халқ фарзанди Мирсаид Абдурахмонов ҳақиқий фидокор ва ташкилотчи эканлигини амалда исботлаган. Шунинг учун ҳам испайликлар Мирсаид Абдурахмоновни маҳалла қўмитасига раис этиб сайлашган.

Хулоса, ўз-ўзини чинакамига бошқариш, халқ кучи билан тоғ шароитидаги машаққатларни даф этиш анъаналарини бундан кейин ҳам сира-сира бўшаштирмаслик лозим. Аксинча, бу йўлга янаям фаол ва жипслашиб киришмоқ керак.

Олий Мажлиснинг XIV сессиясида ўз-ўзини бошқариш асосий масалалардан бири сифатида кун тартибига қўйилгани ҳам бежиз эмас.

Мирзарайим ака хонадонидамиз. Хонадон гавжум. Ҳамма иш билан банд.

Бу хонадонда йил давомида бир зум ҳам тиним бўлмайди. Чунки Мирзарайим ака чинакам фермер. Жамоа хўжалиги билан тузилган шартномага кўра беш гектар ерга беш минг туп олма кўчати экиб парваришлаяпти. Атрофига эса икки минг туп терак қаламчаларини қадаб чиққан. Ярқсиз ерларда ҳам беш юз туп олхўри, уч юз туп ёнғоқ ўстирилмоқда. Олма кўчатлари ёш бўлганлиги учун уларнинг ораликларини яхшилаб ҳайдаб, бир гектарга буғдой, икки гектар ерга картошка, нўхат ва бошқа экинлар экиб қўйибди. Хуллас, қўлидаги ернинг бир қаричини ҳам бекор қолдирмаган. Айниқса, қиялик ҳамда яроқсиз ерларда чангалзор бўлиб ётган ёввойи олмаларга Мирзарайим аканинг ўзига хос услуби билан яхши навлар пайванд қилиниб, маданийлаштирилганини кўрган ҳар қандай кўз қувонади. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, гўзал одамларнинг заҳматли меҳнатлари эвазига чиройли ҳаёт учун тамал тоши қўйилмоқда.

Табиат — ва инсон

—Бу воҳада ахвол жуда оғир, — деди мезбон одатига кўра очиқчасига кўчиб. — Ёввойи ҳайвонлар қирилиб битиш арафасида турибди. Масалан, атрофимиздаги тоғларда менинг тахминимча, кийиклар ва айиқларнинг кўпи билан беш фоизга яқини ҳозирча сақланиб турибди. Ёввойи чўчқалар-ку бир фоиз бордир, бўлмаса у ҳам қолмаган.

Йил — ўн икки ой давомида бетўхтов отилавергандан кейин барака қолармиди?! — чинакамига қизишиб кетди Мирзарайим ака. — Фақат тоғдаги парранда-ю дарранда ҳисобига кун кечираётганлар қанчадан-қанча! «Меҳмон» овчиларнинг қилмишлари-ку дард устига чипқон бўлмоқда. Э, қуруқ гаплардан не фойда?!

— Менимча, тоғ йўлларининг асосий нуқталарида, бошқа томонлардан айланиб ўтиб бўлмайдиган жойларида махсус постлар ташкил этиш ва уларда фақат чин фидойилар навбатчилик қилишларини йўлга қўйиш зарур, — деб таклиф киритди Мухтор Аъзамов.

— Ҳамма гапларингиз тўғри, лекин кўпинча гап гаплигича қолиб кетаяптида, — оғир-вазмин одатига хилоф равишда қизишиброқ гап жиловини тутди Тўлабой Юнусов. — Хўп, биз қўлимиздан келган ишларни қилайлик, аммо табиат муҳофазасига дахлдор бошқа ташкилотлар ҳам астойдил киришмасалар тайинли бирор натижага эришиб бўлармикин? Буни қаранг, Угам-Чотқол миллий боғи назоратчиларига қарабинлар бериб қўйилибди! Бу қурол билан улар ўзларини броконерлардан ҳимоя қилишар эмиш! Ўз-ўзини ҳимоя қилиш учун мундайроқ қурол ҳам кор қилар. Уларнинг ўша кучли қуроллардан бошқа мақсадларда фойдаланмасликларига ким кафолат беради?! Худди шу ташкилот ҳудудида ўрмон хўжаликлари ҳам бутунлай мустақил равишда фаолият кўрсатаётганига нима дейсиз? Менимча, бу икки ташкилотдан бири қолиши ёки бири иккинчисига бўйсуниши керак. Акс ҳолда, битта жойдаги шўрлик табиат икки хўжайин томонидан қўриқланадими, ёки хомталаш қилинадими?! Бу муаммолар қанча тез ҳал этилса, шунча яхши...

«Бундай муаммоларни албатта жуда тезлик билан ҳал этиш керак!» —деган тўхтамга келди давра иштирокчилари. Ҳаяжонли бу суҳбатлар мустақил ватанимизнинг соф виждонли ҳар бир вакили қалбида акс-садо бериши ва ҳар биримизни амалий ишга отлантириши лозим. Энг аввало, табиат муҳофазасига дахлдор раҳбарлар аниқ чора-тадбирлар белгилаб, уларнинг ижросини албатта таъминлашлари зарур.

Шу ўринда ҳамма жойлардаги фуқаролар йиғинлари ва маҳалла қўмиталари раисларининг табиат муҳофазасига оид масъулиятларини ҳам алоҳида эслатиб ўтиш лозим. Ахир ким нима иш билан шуғулланаётганини улар ҳаммадан кўра яхшироқ билишади-ку!

Асад АСИЛ,
ёзувчи

Инсоф тарк этмасин

Узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларида раҳбар лавозимларида ишлаган ва бугунда ҳам туман миқёсида каттагина корхонанинг бошлиғи ўзаро суҳбат чоғида:

— Кейинги пайтларда сиз мухбирлар маънавият ҳақида кўп гапириб, кўп ёзадиган бўлиб қолдинглар, — деб гап бошлади. — Айтинг-чи, маънавият дегани нима ўзи? Уни қўл билан ушлаб, кўз билан кўриш мумкинми?

Ўйланиб қолдим. Ҳамиша ишчанликка, аниқликка интилиб ишлаган бу акахонга маънавиятдек кенг, устувор тушунчани лўнда ифодалаб, саволига аниқ жавоб айтиш зарур эди. Шунда туйқус Бухоро туманида бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушди...

Бир оила бошлиғи (Эркин Йўлдошев) иқтисодий аҳволини баён этиб, оиласига телевизор зарурлиги ҳақида ҳомийлик ёрдами сўради. Унинг оиласига хотини Майсара Йўлдошева хизмат қиладиган туман электр алоқа боғланмаси (Зокир Зиёев) ҳомий тарқасида телевизор учун маблағ ажратди. Туман ҳокимининг ўринбосари Азиза Раббимова ушбу маблағни олиб, ўз шахсий телевизорини муҳтож оилага ҳомий ташкилот раҳбари З. Зиёев билан топширишади. Телевизор янгимиди, эскимиди уларнинг виждонига ҳавола. Гап бунда эмас...

Маънавият — бутунликдир

Гап шундаки, ойлаб чўзилган машмаша Зокир Зиёевнинг ҳомийлик «тадбири»дан сўнг бошланди. Нима учун тадбир деяпмиз? Ҳа, З. Зиёев яхшигина «тадбир» қўллади. У ишга яроқсиз ўн дона симёғочни Эркин Йўлдошевнинг рафиқаси Майсарахон номига ёзиб, бухгалтерия ҳисобидан ўчирмоқчи ва симёғочларни пулламоқчи бўлганида, сири ошкор бўлди. Бу ҳам етмагандек, Майсара Йўлдошевани чақириб, мен ҳоким ўринбосари Азиза Раббимовага олган телевизоринг пулини беришим керак, шу сабаб, сенга моддий ёрдам ёзамиз, сен эса пулни Раббимовага берасан, дея уқтиради ва бу тадбирни ҳам амалга оширади. «Ёрдам пули» ҳоким ўринбосари А. Раббимовага тегади. Алоқа тармоғи ажратган маблағ ҳақида эса ломмим демайди.

Моддий ёрдам сўраб ёзилган хат баҳона икки масъул раҳбар (туман ҳокими ўринбосари А. Раббимова ва туман электр алоқа боғланмаси бошлиғи З. Зиёев) биринчи галда ўз манфаатларини кўзладилар, ноқонуний ишга қўл уришди, баъзан эса Майсара Йўлдошеванинг ғурурига тегадиган гапсўз, ҳаракатларгача боришди.

Воқеа Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан вилоят ҳокимининг ўринбосари М. Содиқова иштирокида ўрганиб чиқилди. Бухоро туман ҳокимининг ўринбосари А. Раббимова ишдан кетди. Мактуб ёзган оилага гувоҳлар иштирокида бошқа, Майсарахоннинг айтишича, янги телевизор топширилди. Айни кунда Зокир Зиёев қўллаган тадбир туман ҳокимлиги аппарати Назорат инспекцияси томонидан ўрганилди. У эгаллаб турган вазифасига нолойиқ, деб топилди.

Ушбу воқеани эшитгач, суҳбатдошим ўйланиб қолди-да:

— Энди тушундим, Ражаббой ука, бу маънавият деганингиз инсоф экан-да! — деди. — Азал-азалдан имконни имконсизга ёрдам берган, қайишган, хайр қилган. Лекин, чўнтагидан чиққан бир сўмни бировлар ҳисобидан ундираман, деб уринмаган.

Маънавияти бутун, қалбидан инсоф йироқлашмаган инсон Бухоро туманида бўлиб ўтган юқоридаги воқеа мисолида ҳар қанча ўйласа, мушоҳада юритса арзийди. Ахир, кўз очиб атрофга қаранг: нималарни кўрасиз... ўтган саккиз йиллик давр моҳият-эътибори билан бизни бутунлай бошқача ўйлаб, бошқача ишлаш ва яшашга ўргатмаяптими? Чалғитувчи нафс балосидан, чалғитувчи фикрлар таъсиридан қутулиш учун имконимиз йўқми? Бугун биз кимга ва нимага хизмат қилаётганимизни билиш, теранроқ англаш имконига эгамиз-ку! Ўз сўзи, фикри, хизматига эга одам ҳамиша тўғри йўлни танлаган. Юқоридаги нохуш воқеа сабабини билиш жараёнида мендан: «Ука, ёмонни ёзган қаламингиз, яхшини ёзолмайдими?» дея бироз ранжиганлар ҳам бўлди.

Маънавиятни тушуниш, аввало инсофдан бошланади. Бу улкан дарахтнинг илдизлари охир-бутунлик билан туташади. Бутунликдан сув ичади. Нақшбандия тариқати шайхларидан бири буюк сўфий олим Хожа Ориф Моҳитабон айтадиларки: «Одамни саодатга яқинлаштирувчи хислат шуки, ўзни малойикага монанд этсин! Яъни нафсини ўзига бўйсундирсин ва афиф (покиза) бўлсин...» Буюк таъриф! Агар, покизалик моҳиятини англаганимизда эди — ўтаётган ҳар лаҳза ғаниматлик касб этар, аввало, ҳар қандай ғалаёндан устун туриб, ҳар қандай ёлғону майдаликларни четлаб, умримизни беминнат яхшиликка бағишлаган бўлар эдик.

Ражаббой РАУПОВ,
Бухоро.

Ёз ўтади соз!

Мана, яқинда мамлакатимизнинг асосан шаҳар жойларидаги оромгоҳлар, дам олиш уйлари, сўлим хиёбонлар болажонларнинг шовқин-суронига тўлади. Айтмоқчимизки, болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумига қандай тайёргарлик кетмоқда? Биз шу ва бошқа саволлар билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши етакчи мутахассиси Неъмат Рафиқовга мурожаат этдик.

— Бу йил барча турдаги оромгоҳларда 332 минг нафар болани соғломлаштириш, дам олдириш мўлжалланмоқда. Шу жумладан Оролбўйи ҳудудидан 4000 нафар болаларни республикамизнинг энг сўлим оромгоҳларида дам олдириш режалаштирилган. Биз Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда фаолият олиб борамиз.

— Оромгоҳларга йўлланма бериш қандай йўлга қўйилган. Кам таъминланган оилалар ҳақида қандай ғамхўрликлар кўзда тутилган?

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси 50 фоиз, болалар оромгоҳи бор корхоналар 20 фоиз, маҳаллий касаба уюшмалари яна 20 фоиз, ота-оналар 10 фоиз йўлланма баҳосини ўз ҳисобларидан ажратадилар. Бу дегани, битта йўлланма харажати 10-12 минг сўмни ташкил этадиган бўлса, шундан ота-оналар зиммаларига 1000-1200 сўмдан тўғри келади. Айрим кам таъминланган, етим, ногирон болаларга йўлланмалар бепул белгиланган.

— Болалар оромгоҳларининг шароити қандай?

— Дам олиш оромгоҳларига республикамизнинг турли жойларидан маданият ходимларини чиқарамиз. Яъни театр ходимлари, шоир, ёзувчилар билан болалар учрашуви режалаштирилган. Турли тўгараклар очиб қўйилади. Ундан болалар унумли фойдаланади. Уларнинг ичида ўзаро кўрик-танлов, мусобақалар уюштирилади. Бу навбатдаги мавсумда ҳам болалар кўнгилли ҳордиқ чиқаришади, деб ўйлайман.

Шукур ЖАББОРОВ суҳбатлашди

Ислоҳот ва масъулият

Заводни жаҳон таниди

Навоий пахта тозалаш заводи ўн тўққизинчи аср охирларида ташкил этилган эди. 1978 йилга қадар Навоий вилоятининг темир йўл вокзали яқинида бўлган бу корхонада ўша даврда атиги 15-20 минг тонна пахта қайта ишланарди. Алмисоқдан қолиб кетган асбоб-ускуна хомашёни чигитдан тозалашда, момиқни толалаб тойлашда жуда кўп ишчи кучи талаб қиларди. Эндиликда Навоий тумани «Нарпай» жамоа хўжалигининг шаҳар олди минтақасига чўзилган бу завод ҳар йили 55-60 минг тоннагача бўлган пахта ҳосилини қайта ишлаш имкониятига эга. Ҳозир завод тасарруфида 8 та пахта қабул қилиш пункти, икки линияда ишлаётган 9 та цех бўлиб, уларда жами 620 киши меҳнат қиляпти.

Мустақиллик шарофати билан завод цехлари, бўлимлари қайта таъмирланиб, хориж технологияси билан жиҳозланди. Натижада корхонанинг қуритиш, тозалаш, толалаш цехлари иш унумдорлиги икки ҳиссага ортди. Ҳар йили қабул қилинган мавжуд хомашёга қараб 20 минг тоннагача тола олиш имконияти туғилди.

Ўтган йилги ҳосилнинг айтарли 99 фоизи дунё мамлакатларининг фирма ва компанияларига жўнатилди. Бу чинакам сармоя, соф валюта демакдир.

— Завод эндиликда нафақат Америка, Австрия, Англия, балки жаҳоннинг Хитой, Италия, Бельгия, Швейцария каби ривожланган мамлакатларига ҳам тола етказиб беряпти, — дейди пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси Б. Абдуллаев. — Айни пайтда Голландия, Сингапур, Лихтенштейн давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Тола сифатини, салмоғини янада яхшилаш шу куннинг долзарб вазифасидир. Худди ана шундан келиб чиқиб заводдаги барча агрегат ва цехлар замонавий асбоб-ускуналар билан қайта таъмирланди. Чигитни плёнка остига экиш мақсадида туксизлантириладиган уруғлик нави ишлаб чиқарадиган махсус цех ишга туширилди.

Шунингдек, электр двигателларни созлайдиган, пахта тозалаш агрегатларни капитал таъмирлайдиган устахона очилди. Энг муҳими, завод ҳузурида тикув, тўқув дастгоҳларининг ўрнатилганидир. Уларда 30 га яқин ёшлар икки сменада меҳнат қилишяпти. Натижада, уруғлик учун қоғоз халта, ишчилар учун махсус кийим-бош шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда.

Қўшимча даромад манбаи ёрдамчи хўжалик сифатида корхонада чорвачилик фермаси, лимончилик иссиқхонаси ҳам ташкил этилди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тантаналар фожиа билан якунланди

Беларусдаги «Мир» радиосининг икки йиллик юбилейига бағишланган тантаналар фожиа билан якунланди.

Минскдаги спорт саройи қаршисида бўлаётган концерт томошабинлари дафъатан бошланган кучли ёмғир ва довулдан қочиб, шу атрофдаги метро бекатидан вақтинчалик бошпана топмоқчи эди. Лекин, одамларнинг бирваракайига метрога киришга уриниши оқибатида кўпчилик оёқ остида қолиб кетди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 54 киши фожиа қурбони бўлган.

Партия раҳбарига суиқасд

Ереванда парламентга сайловлар куни Арманистон миллий партияси раҳбари Шанта Арутюнянга суиқасд қилинди. У ўқотар қуролдан олинган жароҳат билан касалхонага келтирилган.

Гумондорлар ҳибсга олинди

Грузия судлов маҳкамалари мамлакатда террорчилик ҳаракатлари содир этиш ва давлат тўнтариши уюштиришга уринганликда гумон қилинаётган ўн кишини ҳибсга олиш тўғрисида қўрсатма берди. Улар 22 май куни ушланган, лекин расман ҳибсга олинмаган эди.

Хабарларга қараганда, мазкур шахслар орасида илгари ички ишлар ва давлат хавфсизлиги вазирликларида ишлаган зобитлар, шунингдек, мамлакат қуролли кучлари қуруқликдаги қўшинларининг собиқ қўмондони ҳам бор.

Саммитга тайёргарлик

Бельгия пойтахтида Европа Иттифоқи мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бошланди. Унда иттифоқнинг 4 июнь куни Кельн шаҳрида бўлажак саммитига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинади. Хабарларга қараганда, саммит доирасида иттифоқ билан АҚШ, Канада, Япония ҳамда Лотин Америкаси мамлакатлари ўртасида ҳам алоҳида олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтади.

Европа Иттифоқи саммитида кўриладиган асосий масалалар Болқон минтақасидаги муаммо ҳамда иттифоқ доирасида ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати бўйича ягона умумий тизим ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Маълумотларга қараганда, НАТО йиғилишларида қатнашадиган европалик вакилларнинг 80 фоизи Европа Иттифоқи доирасидаги тадбирларда ҳам иштирок этади. Лекин айни вақтда иттифоқ раҳбарияти ўзини НАТОнинг Югославияга қарши операциясига алоқадор эмас деб ҳисоблайди. Шу боис ташқи сиёсат ва умумий хавфсизлик масалалари билан шуғулланишни алоҳида давлатлар эмас, балки иттифоқ даражасидаги органлар зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ, деб топилмоқда.

Музокаралар бўлиб ўтди

Миср Президенти Ҳусний Муборак ва Иордания подшоҳи Абдулла ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини олға силжитиш ва беш араб мамлакати давлат раҳбарларининг учрашувини ташкил қилиш масалалари кўриб чиқилди. Беш томонлама учрашувда Миср, Иордания, Ливан, Сурия ва Фаластин раҳбарлари иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Миср ва Иордания раҳбарлари, Исроилдаги парламент ва бош вазир сайловларидан кейинги вазият муносабати билан, араб давлатларининг Яқин Шарқ муаммосига нисбатан умумий нуқтаи назарини ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатмоқда. Зеро, Б. Нетаняхудан фарқли ўлароқ, Исроилнинг янги сайланган бош вазири Э. Барак фаластинликлар билан имзоланган барча ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиши тўғрисида баёнот берган. У, шунингдек, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёни доирасида Сурия ва Ливан билан ҳам мулоқотни тиклашини айтган.

Тожикистонда яна можаро юз берди

«Интерфакс» тарқатган хабарга кўра, 29 май куни Душанбедан 20 километр шарқда жойлашган Тангаи аҳоли пунктида бирлашган тожик мухолифати кучлари билан ноқонуний ҳарбий гуруҳлар биринг жангарилари ўртасида тўқнашув рўй берган. Отишмалар бир неча соат давом этди, йўловчи автобус шу отишма остида қолди. 6 киши, жумладан учта бола жароҳат олган. Икки киши ҳалоқ бўлгани хабар қилинади, бироқ улар шу йўловчи автобусданми ёки қуролли тўқнашув иштирокчилариданми — номаълум.

Ҳукуматга тазйиқ кўрсатишяпти

Колумбия хавфсизлик кучлари Миллий озодлик армиясининг қуролланган қўзғолончилар гуруҳини таъқиб этишни давом эттираётир. Улар хизмат чоғида Кали шаҳрининг жануби-ғарбидаги черковларнинг биридан юзга яқин кишини гаров сифатида олишганди. Шаҳар чеккасида отишма юз берди, оқибатда қўзғолончилардан уч киши ўлдирилди, икки солдат жароҳат олди. Шундан сўнг жангарилар тоққа яширинишди ва 70га яқин гаровга олинган кишиларни, асосан аёллар ва болаларни қўйиб юборишди. Би-Би-Си радиосининг Колумбиядаги мухбири сўзларига кўра, Миллий озодлик армияси шу тариқа ҳукуматга тазйиқ ўтказмоқчи. Уларнинг мақсади — мамлакатдаги бошқа йирик қўзғонлончилар гуруҳлари сингари тинч музокаралар олиб бориш ҳуқуқини қўлга киритишдир.

Таклиф рад этилди

Ҳинд ҳарбий авиацияси Кашмирнинг Ҳиндистондаги қисмига бостириб кирган мусулмон сепаратистлари позицияларини ёппасига бомбардимон қилишни давом эттирмоқда. Ҳиндистон Бош вазири Вехари Важпаи Кашмир юзасидан Ҳинд—Покистон музокаралари арафасида бомбардимонни тўхтатиш ҳақидаги Покистон ҳукуматининг раҳбари Навози Шарифнинг даъватини рад этди. Музокара кейинги ҳафтага белгиланган. Деҳли Покистонни мусулмон сепаратистларини қўллаб-қувватлаётганликда айбламоқда. Исломобод эса буни рад этаяпти. Кашмир муаммоси Ҳиндистон билан Покистон ўртасида икки марта уруш чиқишига сабаб бўлган.

Суд жараёни бошланди

Бугун Туркияда курд сепаратчилари раҳбари Абдулла Ожалон устидан суд бошланади. Унга Туркиянинг жануби-шарқида узоқ муддат партизанлик уруши олиб борганлик ва бунинг оқибатида ўн минглаб кишилар ҳалок бўлганлиги ҳамда давлатга хиёнат қилганлик айблари қўйилган. Агар Ожалон айбига иқрор бўлса, унга ўлим жазоси берилади. Суд Имралл оролидаги турмада ўтказилади. Ожалон Кенияда амалга оширилган махсус операция чоғида турк агентлари томонидан қўлга олгандан буён шу ерда сақланяпти. Орол вертолётлар ва ҳарбий кемалар билан қўриқланмоқда.

Шубҳа остига олинди

НАТОнинг расмий вакили Жейми Шеа якшанбада Ғарб Югославия Президенти Слободан Милошевичнинг Косово можароларини бартараф этиш бўйича «катта саккизлик» доирасида келишилган етти шартни бажаришга тайёр эканлиги ҳақидаги баёнотига эҳтиёткорлик ва шубҳа билан қарамоқда, деди. Ж.Шеанинг сўзларига кўра, С. Милошевичнинг баёноти «ишлар тўғри йўлдан бораётганидан» далолат эмиш. «Бироқ биз уни миридан-сиригача текширмоқчимиз, — деб таъкидлади Шеа. — Бу ишда майда-чуйда кетмайди. «Саккизлик» шартларини турлича талқин этиш мумкин. Биз эса уни Милошевич ҳам биз тушунгандай англаётганига ишонч ҳосил қилмоқчимиз.

Ж. Шеа НАТО кучларидан бошқа ҳар қандай халқаро тинчликсевар кучлар қочқинлар қайтиб келишини таъминлай олишини шубҳа остига олди.

Миср: кеча ва бугун

Азиз ўқувчилар. Мусобақанинг сўнгги босқичини Миср-Ўзбекистон алоқалари ҳамда аср бошида Мисрда кенг кўламда нишонланадиган улкан тадбирга бағишлашга азм қилдик.

Миср — Ўзбекистон алоқалари

Миср ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги алоқалар тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Миср пойтахти Қоҳира шаҳридаги Ар-Руда оролчасида Нил дарёсининг сув ҳажмини ўлчайдиган муҳим иншоот қурилиши ташаббускори ва фаол иштирокчиси, асли ўзбекистонлик, Мисрда «Ибн Касир» номи билан маълум ва машҳур, шу ерга дафн этилган буюк аллома Аҳмад Ал-Фарғоний, шунингдек, Мисрда бир муддат яшаб ижод этган, Қуръони Каримдан кейинги энг ишончли ва энг мўътабар манба — «Саҳиҳ Ал-Бухорий» номли ҳадислар тўплами муаллифи (Мисрда бу тўплам кирмаган хонадон қолмаган) Имом Ал-Бухорий, Миср пойтахтида ҳукмронлик қилган амирлардан бири номига қўйилган «Азбакия» мавзеси ҳамда бошқа қатор тарихий шахс ва воқеалар икки юрт орасидаги алоқалар узоқ мозийга бориб тақалишидан далолат беради.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгач, Миср мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган бу юрт билан ўз алоқаларини янада мустаҳкамлашга киришди. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини ўрганиш мақсадида ҳозирда Миср Бош вазири (у пайтда Бош вазир ўринбосари ҳамда режалаштириш вазири эди) Камол Ал-Ганзурий бошчилигида олий мартабали делегация бу ерга ташриф буюриб, ўзаро ҳамкорликка оид бир неча муҳим битим ва келишувлар имзолаб қайтди. Сўнгра Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Мисрда бўлиб, Миср Президенти Ҳусний Муборак билан музокаралар олиб борди. Натижада икки юрт ўртасидаги алоқалар ривожига хизмат қиладиган яна бир қатор муҳим ҳужжатлар дунёга келди. 1993 йилга келиб Миср Араб Республикаси Ўзбекистонда ўз элчихонасини очди. Шу билан баробар элчихонанинг Матбуот шўъбаси ҳам, бироз кейин Миср фан ва таълим маркази ҳам фаолият кўрсата бошлади. 1995 йил Ўзбекистон ҳам Мисрда ўз элчихонасини очди. Икки халқнинг ўзаро ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга қаратилган холис интилишлари боис Миср-Ўзбекистон алоқалари муттасил тараққий этиб бормоқда.

Миср деганда дунёнинг етти мўъжизасидан бири бўлмиш аҳромотлар юрти, қадимдан илм-маърифат тараққий топган исломий диёр хаёлга келади. Бу тўғри, албатта. Лекин Мисрда Ислом дини вакиллари — мусулмонлар билан бир қаторда яна бошқа дин ва диёнат вакиллари ҳам ўз эътиқодларида бардавом эркин-эмин яшаб, меҳнат қиладилар. Диний урф-одат ва байрамларини адо этадилар.

Миср Исо алайҳи-с-салом таваллуд топган жой

Исо Ал-Масиҳ алайҳи-с-салом таваллуд топган кунинг 2 минг йиллиги янги аср бошида Мисрда кенг кўламда нишонланади.

Исо Ал-Масиҳ, биби Марям ва Юсуф Ан-Нажжор алайҳи-с-саломлардан иборат муқаддас оила 4 йил давомида Мисрда истиқомат қилганлар, ўзларидан сўнг тарихий ва археологик қийматга эга, муҳим диний аҳамиятга молик юзлаб черков ҳамда монастирлар қолдирганлар. Муқаддас оиланинг Мисрга сафари тарихига назар ташласак, ўз давринг ҳокими дастидан паймонаси тўлган Биби Марям норасида Исо Ал-Масиҳ алайҳи-с-саломни бағриларига босганларича, эшакка ўтириб Байт Лаҳмдан Миср томон бош олиб чиқиб кетадилар. Улар Мисрга боришлари учун олдинда уч йўл бор эди. Лекин улар ҳеч кимга маълум бўлмаган тўртинчи йўлни ихтиёр этадилар. Натижада Синай чўлларини кесиб ўтишга тўғри келади. Табиийки, улар орадан 2000 йил ўтиб бу йўл сайёҳлик харитасига тушиб, минглаб зиёратчи ва сайёҳлар айнан шу, улар босиб ўтган йўл билан Мисрга, Исо Ал-Масиҳ таваллудининг 20 асрлик тантаналарига келишларини тасаввур қилмаган бўлсалар керак.


Қоҳира

Мусобақа этади давом

Миср бу муҳим тарихий санани ўзига хос тарзда нишонлашга қарор қилди. Токи тантаналар диний қадрият нуқтаи назаридан ҳам, мамлакат маданий салоҳияти нуқтаи назаридан ҳам юксак даражада ўтсин. Шу боис бу санага тайёргарлик ишлари бир қатор вазирликлар томонидан, Копт ортодоксаль патриархи ва ортодоксаль патриарх папаси — папа Шнуда билан яқин ҳамкорликда олиб бориладиган бўлди. Бу зоти олий ўз навбатида муқаддас оила Мисрга кириб келган Синай ярим оролининг шимолидаги «Ал-Фарма» томонидан то улар бир муддат муқим қолган Асьют вилоятидаги «Ал-Махрак» монастри оралиғида жойлашган черковлар монахлари билан бу борада машварат ҳам ўтказди.

Биби Марямнинг бу тарихий сафаридан хабар берувчи воситалар Мисрда талайгина. Улар шу кунгача сақланиб қолган тарихий ва археологик ёдгорликлар, черков ва монастрлардир. Айни чоғда Ал-Матария деган жойда сафар давомида Биби Марям ўз ғўдаги билан қуёш тафтидан паноҳ топган дарахт ҳам мавжуд. Уни ҳозирда Биби Марям дарахти деб атайдилар.

Бу тантаналарга эътиборни яна шунда кўриш мумкинки, Миср Вазирлар Маҳкамаси Раиси, фан доктори Камол Ал-Ганзурий бу санага тайёргарлик ишларига раҳбарлик қилиш учун мамлакат маданият вазири Форуҳ Ҳусний бошчилигида кичик вазирлар кенгашини тузган. Унинг олдига мазкур тадбир юқори даражада ўтиши учун, дунёнинг турли бурчакларидан келадиган сайёҳларга қулайликлар яратиш учун барча имкониятларни ишга солиш вазифаси қўйилган. Бўлажак тантаналар мусулмонлар ва коптлар бир оила фарзандидек аҳил яшаб, яшнаб келаётган бу ўлкада барча умумбашарий ва маданий қадриятлар, улар фиравнларга хос бўладими, копт ёки мусулмонларга тегишли бўладими, барига бирдек эътибор бериладиган, бирдек эъзозланадиган Миср давлатчилиги, унинг ҳамжиҳат фуқаролик жамияти инъикоси бўлиши кутилмоқда.


Асвон

Сўнгги сўз ўрнида

Мусобақанинг муҳтарам қатнашчилари!

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шўъбаси раиси Раъфат Ас-Сабъа элчихона ва шахсан ўз номидан Сиз азизларни мусобақанинг сўнгги — бешинчи босқичи эълон қилингани билан муборакбод этар экан, Сизларга омад тилаб қолади. Сиздан жавоблар билан бирга ўзингизнинг тўлиқ исми-шарифингиз, ёшингиз, маълумотингиз, касб-корингиз ёки иш жойингиз, манзилингиз, иложи бўлса телефон рақамингизни ҳам ёзган ҳолда, кечи билан 25 июнгача Матбуот шўъбамизга жўнатишингиз сўралади.

Шундай қилиб якуний савол-жавоблар варақаси
Мусобақа қатнашчисининг
исми-шарифи_____
Маълумоти_____
Касб-кори_____
Ёши _____
Манзили_____
Телефони_____

1. Миср ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалишини кўрсатувчи омиллардан бири:
а) Ал-Гурия мавзеси б) Азбакия мавзеси в) Улкан Асвон тўғони

2. Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган Миср бу ерда ўз элчихонасини қачон очган?
а) 1992 йил б) 1993 йил в) 1995 йил

Эслатма: Савол ва жавоб варақалари қирқиб олиниб, жавобларнинг нотўғрилари ўчирилган ҳолда кечи билан 25 июнгача қуйидаги манзилга юборилиши керак.

Тошкент — 700000 ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32, 6-қават, 601-604- хоналар. Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси (мусобақага).

Китоб — содиқ дўст

Дўстлигимиз сарҳадлари чексиз

Улуғворлик чегара билмайди. Буюкларни барча эъзозлайди. Шундан бўлса керак инсоният юксак ғояларни ҳамиша қадрлайди. Адабиётда қардошлик, дўстлик тушунчаси катта маъно касб этади. Бунинг сабаби шуки, адабиёт миллий қобиққа ўралган ҳолатда яшай олмайди. Адабиётнинг яшовчанлигини, уни бошқа халқлар қай даражада билишлари белгилайди.

Буюк ёзувчи Чингиз Айтматов ижодининг ўзбек адабиётида ҳам ўз ўрни бор. Чунки ёзувчининг асари кириб келмаган ўзбек хонадони, унинг инсонийлик ғояларини қалбига жойламаган ўзбек бўлмаса керак. Ёзувчи асарлари ўзбек тилига биринчилардан бўлиб таржима қилинган.

Буюк ёзувчи ва адабиётимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик хусусида кўплаб мақолалар, илмий изланишлар олиб борилган. Мана шу тадқиқотларнинг давоми сифатида «Ўзбекистон» нашриёти Қалдибек Сайдановнинг «Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти» номли рисоласини босмадан чиқарди. Ушбу муҳим тадқиқот кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Рисола Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ботирали Сиддиқовнинг сўзбошиси билан очилади.

«Ўзбек-қирғиз адабий алоқаларига доир» ҳамда, «Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти» қисмлардан иборат рисола илмий тийранлиги, таҳлилнинг мукаммаллиги билан ўқувчида катта таассурот қолдиради.

Рисоланинг сўзбошисида айтилганидек «муаллифнинг кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бу асари илк изланиш меваси эканлигини эътироф этган ҳолда, унинг адабий-маданий алоқалар тарихига қўшган» буюк хизматилигини биз ҳам алоҳида таъкидлаймиз.

Юнус ЗИЁДОВ

Андижон шаҳридаги «Helyantus» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри ва бурчак штампи йўқолганлиги туфайли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Диққат!

Тошкент шаҳрида Ваққосов Шуҳрат Кўчқорович номига берилган фуқаролик паспорти, Хошимов Турғунбой Қодирович номига берилган автомобиль техник паспорти ҳамда «Мадина-Комила» хусусий фирмасига тегишли бўлган дорихона лицензиялари йўқолди.

Кимда ким ушбу ҳужжатларни топиб олган бўлса, мукофот эвазига қайтаришингизни сўраймиз.

Тел: 63-52-25, 100-64-70

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жамоаси масъул ходим Юсуф Муқимбоевга оналари
Ҳайитгул ая ТОШБОЕВАнинг
вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Полвонларимиз яна ғолиб

Япон қизлари ҳам чемпион

Қарийб бир ҳафта давом этган ўзига хос кураш сайли ниҳоясига етди. Шу кунлар мобайнида ажиб спорт кошонаси — «Юнусобод» байрамона гавжумлик касб этди. Маълумки, Осиё чемпионлиги учун баҳсни эркин курашчилар бошлашган эди. Бу беллашувларда йигитларимизнинг жамоа ҳисобида ғолиб бўлишгани мухлисларга аён. Муҳими чемпионлик учун кураш кезлари хорижлик спорт мутахассислари, қолаверса, халқаро кураш федерацияси аъзолари-ю меҳмонлар юртимизда спортга давлат аҳамияти берилаётганини қалбдан ҳис этиб турдилар. Куни кеча республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилиниши билан бу фикримиз яна бир бор тасдиғини топди.

Ўтган жума, шанба ва якшанба кунлари мухлислар юнон-рум ва аёллар кураши бўйича қизғин баҳсларнинг шоҳиди бўлдилар. Юзлаб мард ва «ожиза» курашчилар саралаш учрашувларида муваффақият қозониб, ҳал қилувчи беллашувга йўлланма олиш учун ас-



тойдил ҳаракат қилдилар. Шундай қилиб якшанба куни финал учрашувлари ўтказилди. Майдонга бир жуфтдан йигит, кейин қизлар таклиф қилиб турилди. Мусобақанинг бундай ташкил этилиши ўзига хос жозиба касб этди. Аниқлик киритиш мақсадида аввал йигитлар беллашувлари ҳақида фикр юритсак. Баҳсни 54 килограмм вазнли Сим Квон-Хо (Жанубий Корея) билан полвонимиз Шамсиддин Худойбердиев бошлаб беришди. Ишқибозлар вакилимизга умид боғлашган эди. Лекин сеуллик жаҳон чемпионининг 3:2 ҳисобида ғолиб келиши Шамсиддинни кумуш билан қаноатланишга мажбур этди. 58 кили полвонлар беллашувида ҳам Жанубий Корея курашчисининг қўли баланд келди. Ким Ин-Суб қозоғистонлик Юрий Мелниченкони 5:0 ҳисобида доғда қолдирди. Курашчилар вазни 63 килограммга етганда қозоғистонлик хизмат кўрсатган спорт устаси, жаҳон чемпиони Мкхитар Манукян спортчимиз Баҳодир Қурбоновни 5:1 ҳисобида енгиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Курашчимиз Руслан Бихтяков (69 кг.) ҳам имкониятни бой бериб қўйди. У Жанубий кореялик Сон Санг-Пилга 5:6 ҳисобида ютқазди. 76 килограмм вазнли тошкентлик Юрий Витт ҳам кумуш медалли бўлди. У Ким Жин Суу билан олишувда асосий вақтда ҳисобни 3:3 қилган бўлсада, ҳал қилувчи ҳаракат баҳсида имкониятни бой берди. Мухлислар Зафархон Очиловга катта умид боғлашди. Зора шу йигитимиз олтин олса деб ўйлашди. Жаҳон чемпионатининг бронза нишондори бўлган бу йигитимиз ҳам беллашувда ўзини кўрсата олмади. У қирғиз курашчиси Ратбек Санатбоевга ютқазди — 0:6.

Ярим оғир вазнли полвонлар беллашуви кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Қозоғистонлик Сергей Матвиенко билан Хитой курашчиси Фуминг Фенг олишуви 41 сониядан ошмади. Сергей 6:0 ҳисобида соф ғалабага эришди. Юнон-рум курашчилари олишувини 130 килограмм вазнли полвонлар ниҳоялашди. Майдонга Шуҳрат Саъдиев билан эронлик Алиреза Хариби чиқишди. Бу курашнинг шиддатли тус олиши узоққа чўзилмаслигидан нишона эди. Алиреза ўз тажрибасини қанчалик ишга солмасин бухоролик Шуҳрат шундай чапдастлик кўрсатдики, таблода икки дақиқаю 51 сония рақамлари липиллаб турганда, ҳакамлар кураги ерга теккан Алирезани мағлуб бўлганини маълум қилиб Шуҳратнинг қўлини баланд кўтаришди.

Юртимизда биринчи марта аёллар кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионати ҳам ажиб таассурот қолдирди. Тўғриси, Тошкент курашхонасида япон қизларининг байрами бўлди, десак муболаға бўлмас. Барча вазнлар бўйича олти нафар япон қизи финалгача етиб келганди. Ҳал қилувчи баҳсда ҳам улар бўш келишмади. Бир неча олтин медалли бўлишди. Фақат 68 килограмм вазнли полвонойлар олишувида Хитой-Тайпе вакиласи Линг-Ли-Ша бежиз жаҳон чемпионати совриндори бўлмаган экан. У япон курашчиси Сумияни 5:0 ҳисобида енгиб, олтин нишонга эга бўлди.

Шундай қилиб спортимиз солномасида ўзига хос саҳифа бўлиб қоладиган эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича Осиё чемпионатига якун ясалди. Полвонларимиз 1 та олтин, 5 та кумуш, 1 та бронза нишонига эга бўлиб, жамоа ҳисобида ғолиблик қилишди. 4 та олтин, 1 та бронза насиб этган Жанубий Корея жамоаси иккинчи, 2 та олтин, 1 тадан кумуш ва бронза тўплаган Қозоғистон полвонлари учинчи бўлишди. Аёллар ўртасида эса япон спортчилари 5 та олтин, 1 та кумуш билан ғолиблик супасига кўтарилдилар. Қолган ўринлар Хитой-Тайпе, Хитой ва Туркманистон жамоалари ўртасида тақсимланди. Мухлислар эса 2001 йили Тошкентда бўладиган ёшлар жаҳон чемпионатига умид боғлаб тарқалишди.

SPORT

«Микаса» волейболчиларимиз қўлида

Шундай бўлди. Тошкентда биринчи марта «Микаса» фирмаси таъсис этган халқаро волейбол баҳсида вакилларимизнинг қўллари баланд келди. Қизларимиз Қирғизистон, Россия, Қозоғистон ва Япония жамоаларини мағлубиятга учратиб биринчи ўринни эгаллашди. Россия волейболчилари бу сафар иккинчи ўрин билан қаноатландилар. Япон волейболчиларига учинчи ўрин насиб этди. Нима бўлганда ҳам Ўзбекистон Қуролли Кучлари Мудофаа вазирлигининг алоҳида таъмирланган ва иқтисослаштирилган спорт залида уюштирилган бу халқаро мусобақа мухлису мутахассисларда ажиб таассурот қолдирди. Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида халқаро баҳс анъанага айланиши ҳақида фикр юритилди.

Ҳайдар НОСИРОВ
Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА)
олган суратлар

Маънавиятимиз сарҳадлари

Ислом КАРИМОВ:

Биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отгани билан баҳолаймиз.

Миллат ва тарих

Инсоннинг истеъдоди, кучғайрати, ақл-идроки ва бутун имкониятини тўла очиб, ундан оқилона ҳар томонлама фойдаланганда мустақил Ўзбекистонимизнинг ривожи ва равнақини таъминлаш мумкин. Ҳозирги даврда муайян эътиқодли, аниқ орзу умидли ва эзгу ниятли, ўз мавқеи ва ҳуқуқини англаган, Ватани ва бурчига содиқ билимдон фуқароларсиз ижтимоий тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун тарбияланаётган ёш авлоднинг билим даражаси, маданий-сиёсий савияси, ҳулқ-атвори, тарихий онги умуминсоний қадриятларга мос келадиган бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарларида республикамиз олимлари олдига Ватанимиз тарихига янгича ёндошиш, унинг турли хил жараёнлари ва воқеаларига адолатли баҳо бериш, қадимги даврдан то бизнинг замонамизгача бўлган бой тарихий ўтмишимизни аниқ кенг кўламда ёндошиб ўрганиш, тадқиқ этиш зарур, деган вазифа кўндаланг қилиб қўйилган. Мана шу ўта мураккаб ва долзарб вазифани адо этиш учун республикамиз олимлари кўпгина хайрли ишларни бажармоқдалар. Мазкур масалалар юзасидан улар бир қанча таклифлар, тавсиялар билан матбуотда чиқиш қилаётирлар, илмий анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказилаётир. Булар, албатта, ўзининг самарали натижаларини беради, деган умиддамиз.

Тарих ғилдираги доимо ўтмишдан бугунги кунга, ундан келажакка қараб айланиб кетаверади. Бугунги кун ўтмишнинг инкори, айни вақтда унинг давоми ҳамдир. Афсуски, айрим тадқиқотчилар мазкур қонуниятга зид ҳолда тарихий жараёнга бир томонлама ёндошиб фақат ўтмишни инкор қилиш назарияси-дан келиб чиқиб таҳлил қиладилар ва шу асосда баъзан субъектив хулосалар чиқарадилар.

Шундай экан асли ўзаро боғлиқ ўтмиш, бугунги кун ва келажакни бир-биридан ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қилиб таҳлил этиш мутлақо мумкин эмас. Ўтмиш билан бугунги кун ва келажак ўртасида узвий боғлиқлик, ворислик, узлуксизлик доимо мавжуд. Шу туфайли илгари содир бўлган тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган турли-туман манбалар, ашёлар авлоддан авлодга мерос сифатида ўтиб, тарихимиз, маданиятимизнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Шўро даврида тарихимиз атайин сохталаштирилганини эътиборга олсак, асл тарихимизни тиклаш — бу қонуний зарурият ҳам давр талабидир. Ўтмишни билмай туриб ҳозирги давр моҳиятини ва келажак замон мақсадларини билиш мумкин эмас.

Тарихий жараён объектив ҳам субъектив омиллар асосида доимо ҳаракатда, ўзгаришда бўлиб туради. Шундай экан тарихий манбаларда ўтмишда содир бўлган воқеаларни одилона, холис ёритиш мумкинми? Агар мумкин бўлса бунга қайси илмий усуллар ва назарий йўналишлар ёрдамида эришамиз? Тарихчи воқеаларни холис ва одилона ўрганиш учун умумийлик ва фалсафий усуллардан унумли фойдалана билиши зарур. Маълумки, илмий ижод ўзаро боғлиқ бўлган эмпирик ва назарий даражалардан таркиб топади. Ҳар қандай фан, жумладан тарих ҳам, муайян методология ва категорияларга эга.

Халқимизда «чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин», дейилади. Кейинги пайтларда ўзига хос услуб ва тадқиқий хусусиятларга эга, бир неча соҳаларга бўлинган тарих фанидан узоқроқ қаламкашлар пайдо бўлиб, халқимизнинг узоқ бой тарихини ёзишга фаол киришиб жуда ҳам саёз, юзаки, энг муҳими, турли жиддий хатоларга тўла сохта асарлар пайдо бўла бошлади. Тарих билимини эгаллаш учун киши Олий ўқув юртларида 4-5 йил давомида ибтидоий жамиятдан янги ва энг янги даврларгача тўла курсларни ўтиб археология, этнография, манбашунослик, архившунослик, тарихнавислик, музейшунослик, нумизматика, эпиграфика, хронология каби махсус курсларни ўрганади. Ҳатто айрим даврлар — қадимги, ўрта аср, янги ва энг янги давр бўйича мутахассислар тайёрланади. Албатта чинакам тарихчи ҳар томонлама ва теран билимдон бўлиши шарт, аммо қомусий тарихчи бўлиши ниҳоятда қийин. Ҳатто, баъзи ибтидоий даврдан тадқиқотлар олиб борган олимлар ҳам ўзини универсал ҳисоблаб нафақат антик замон ва ўрта асрлардан, балки янги давр ва этносоциологик муаммоларни биладиган бўлиб ниҳоятда хом ва ҳар-хил хатоларга тўла дарсликларни яратганликлари ҳам ачинарли ҳодисадир. Бундай асарларнинг кўпчилиги ўз «кашфиётини» асослаш мақсадида кейинги асрда тарих фани гўёки ривожланмай фақат хато ва сохта илм соҳаси деб қораланиб, жаҳон тан олган машҳур тадқиқотчиларни мустамлакачиларнинг малайига айлантирган. Маълумки ҳеч бир жамият, илм-фан ва маърифат ҳам инсоният ўзидан олдин яратган ютуқларга таянган ҳолда ижобий хулосалар қилмаса ривожланиши мумкин эмас. Бундай тарихий ҳақиқатни ҳеч ким рад қила олмайди.

Тарих, археология, антропология, этнография, тилшунослик, шарқшунослик фанларининг жаҳон миқёсида қўлга киритган илмий жиҳатдан муҳим фикр-мулоҳазаларини менсимай, тор миллатчилик ва маҳаллийчилик доирасидан чиқа олмай хулосалар қилиш нафақат фанда, сиёсатда ҳам ниҳоятда зарарли хатоларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир мутахассис ўзбек, туркман, қирғиз, қозоқ, тожик ва бошқа Ўрта Осиё элат ва халқларининг этногенези, яъни келиб чиқиши муаммоларини фақат мазкур фанлар соҳасида жаҳон фани эришган илмий ютуқларга таянган ҳолда (уларни европалик ёки осиёлик демасдан) ҳар хил «изм»ларсиз тўғри одилона ҳал қилиш зарур. Ачинарли томони шундаки, баъзи журналистлар, адиб ва тадқиқотчилар ҳам ўз халқи таг-томирини фақат тилга ёки номига қараб, фанга зид ҳолда, ҳатто ибтидоий тош даврлардан ахтаришга интиладилар. Бундай сохталаштириш жавобан юртбошимиз «биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томирларигача назар ташлаймиз», деб асосли ёзади.

Ваҳоланки, ҳозиргача энг қадимий ёзув пайдо бўлгунга қадар яшаган аждодларимизнинг тили ҳақида аниқ бир маълумот йўқ. Жаҳон туркологиясининг кўп йиллик илмий изланишлари, шарқшунослик, лингвистик, археологик ва тарихий-этнографик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар ҳам бошқа кўп этнослар сингари, анча чигал ва мураккаб этник жараённи бошдан кечирганлар. Бу жараён энг қадимий ибтидоий даврларда бутун антик ва ўрта асрлар давомида Евроосиё, айниқса Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бепоён ҳудудида миграция (кўчиш) ва аралашиш натижасида муайян қабилалар иттифоқи ёки давлат ҳудудлари доирасида рўй берган.

Тарих фалсафасининг яна бир долзарб масаласи — тарихий адабиётларда ўтмиш воқеаларини сохта, бирёқлама ёритиш сабабларини пухта ўрганиб чиқиб, мазкур иллатларнинг пайини қирқиб, Ватанимиз тарихини янгича, холис ва одилона ёритишга эришиш йўлларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бу ҳам ўта жиддий ва мураккаб масала. Айниқса бизнинг тарихчиларимиз олдида турган ҳали ҳам ниҳоятда мужмал турли тортишувларга сабаб бўлаётган муаммо ўлкамиз тарихини даврларга бўлиш масаласи. Афсуски, айрим олимлар жаҳон фани қабул қилган даврлаштизимига зид ҳолда тор доирада мулоҳаза қилиб, янгидан даврларни асоссиз тор маънода кашф этишга уринаётганлиги мутлақо ўринсиз ҳодиса. Ватан тарихини жаҳон тарихидан ажратиб бўлмайди.

Одатда, ўтмиш тарихимизни ёритишдаги камчиликлар, нуқсонлар, бирёқламаликлар илгариги ҳукмрон бўлиб келган ижтимоий-сиёсий тузум ва эски мафкуранинг салбий таъсири билан изоҳланади. Буни ҳеч ҳам инкор этиб бўлмайди. «Халқ сўзи» газетасида «Тарихий фалсафа ва сиёсат» номи билан эълон қилинган Н. Жўраевнинг мазмунли мақоласида мазкур масала жуда тўғри, чуқур ва атрофлича ёритиб берилган. Лекин шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, сохта тарихнинг юзага келишида тарихчи-олимларимизнинг ҳам маълум даражада ҳиссаси бор. Юқорида қайд қилганимиздек, тарихчи ўтмишга холис муносабатда бўлиши керак, деймиз. Хўш, бунга эришиш учун нималарга эътибор бериш зарур? Фикримизча, ҳозир тарихчи олимларимизнинг фан, жамият, қолаверса ўзининг виждони олдидаги масъулиятни кучайтириш, унинг фалсафий, мантиқий, фикрлаш маданиятини юксалтириш, замонавий, илмий-методик услублардан унумли фойдалана билиш қобилиятини шакллантириш, жаҳон фани қўлга киритган ютуқлари ва тарихий хулосаларини инобатга олган тарзда тадқиқотлар ўтказиш керак деб ўйлаймиз. Маълумки, илмий билишнинг мантиқи ва методологиясини мукаммал эгаллаб олган олимларни тўғри йўлдан чалғитиш қийин. Ахир, мустабид тузум, даврида ҳам замонавий юксак фалсафий маданият ва тафаккур соҳиби бўлган олим Иброҳим Мўминов Амир Темурнинг тарихда тутган ўрнини холис ва одилона ёритиб беришга муяссар бўлди-ку! Ёки қадимги давр харобаларини тадқиқ қилиш, узоқ ўтмишимизни ўрганишда катта жасорат кўрсатган Яҳё Ғуломов кабилар ҳам бўлган-ку! Ахир XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда рўй берган Андижон, Кўқон, Жиззах қўзғолонларини миллий-озодлик ҳаракати деб ҳисоблаганлари учун тазйиқ остига олиб қатағон қилинган айрим тарихчи олимларимиз ва адибларимизнинг кўрсатган жасоратлари ҳам шундан далолат бермайдими?

Шубҳасиз, мустақил республикамизнинг порлоқ келажаги, халқимизнинг тўқ ва фаровон турмуши ҳам фан-техника ва илм-маърифат билан бевосита боғлиқ. Илк Ўрта асрларда яшаган буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний: «Агар илму фан нур сочиб турмаса, яхшиликни ёмонликдан ва ёмонликни яхшиликдан фарқ этиш мушкул бўлиб қолур эди», деб бежиз айтмаган. Шарқнинг улуғ сиймоларидан ажойиб файласуф Носир Хисравнинг «Жаҳолат-ўлимдур, билим-тириклик», деган сўзлари ҳозирча ҳам ўз кучини йўқотмаган. Юртбошимиз фикрича, энди инкор қилиш қайфиятидан бунёдкорлик қайфиятига ўтиш пайти келди. Бундай доно фикрни нақадар тўғри эканлигини ҳам тарих тажрибаси кўп марта тасдиқлаган ва тасдиқламоқда.

Халқимиз, Ватанимизнинг янги тарихини яратишда нафақат тарихчи олимларимиз, балки барча ижтимоий гуманитар, табиий, техник фанларининг намоёндалари ҳам фаол иштирок этишлари керак. Чунки миллатимизнинг кўп асрлик ва бой тарихи ўз ичига фуқаролар, шаҳар, туман, давлат, ҳуқуқ, сиёсат, маданият, фан-техника ва бошқа соҳаларда юзага келган воқеаларни, жараёнларни қамраб олади. Бу ишга ҳам ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган долзарб вазифа сифатида мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Жандар ТЎЛАНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор.
Исо ЖАББОРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

БАНКНИНГ РЎЙХАТГА ОЛИШ РАҚАМИ:
№1530\17 1991 йил 25 июнь
МАНЗИЛИ: Тошкент ш. Шаҳрисабз кўчаси, 3

1999 йил 1 январдаги БАЛАНС ҲИСОБОТИ

	АКТИВЛАР	минг сўм
1	Нақд пул ва касса ҳужжатлари	1081641
2	Ўз МБдаги пул маблағлари	9188934
3	Бошқа банклардаги маблағлар	2096599
4	Сотишга мўлжаланган қимматли қоғозлар	2229499
5	Банкларга берилган қарзлар, соф ҳолда	972500
6	Мижозларга берилган карзлар, соф ҳолда	34049550
7	Инвестициявий қимматли қоғозлар	94861
8	Асосий воситалар, соф ҳолда	1864105
9	Бошқа активлар	383969
10	**Ҳамма активлар**	**51961658**
	ПАССИВЛАР, МАЖБУРИЯТЛАР	
1	Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар	16001276
2	Жамғарма депозитлар	522700
3	Муддатли депозитлар	344186
4	Банкларнинг депозитлари	13248
5	Банкларароқарзлар	27684442
6	Бошқа қарзлар	1575225
7	Бошқа пассивлар	766214
8	**Ҳамма мажбуриятлар**	**46907291**
	САРМОЯ	
9	Устав капитали	2100000
10	Қўшилган сармоя	-
11	Захира сармоя	-
12	Тақсимланмаган фойда	2954367
13	**Жами сармоя**	**5054367**
14	**Ҳамма пассивлар**	**51961658**
	КУТИЛМАГАН ВАЗИЯТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МОДДАЛАР	
1	Аккредитивлар бўйича мажбуриятлар	742619
2	Кафолатлар бўйича мажбуриятлар	341851
3	Қарз бериш ҳақидаги мажбуриятлар	56889
4	Капитал харажатлар бўйича мажбуриятлар	40175
5	**Жами балансдан ташқари моддалар**	**1181534**

1998 йилдаги фойда ва зарарлар ҳақида ҲИСОБОТ

		минг сўм
1	Фоиз даромадлари	2215975
2	Фоиз харажатлари	(1052222)
3	Соф фоиз даромади	1163753
4	Қўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш — қарзлар ва бўнаклар	39347
5	Қарзлар ва бўнаклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳоланганидан кейинги соф даромад	1203100
6	Йиғимлар ва воситачилик ҳақлари бўйича соф даромад	2566262
7	Курслар ўртасидаги фарқдан ва чет эл валютасидаги операциялардан олинган соф фойда	515874
8	Қимматбаҳо қоғозлар операцияларидан олинган соф фойда	767990
9	Бошқа операция даромадлари	79901
10	Жами операция даромадлари	5133127
11	Ходимларга тўланган иш ҳақи ва бошқа тўловлар	(1018362)
12	Бошқа операция харажатлари	(1075548)
13	Жами операция харажатлари	(2093910)
14	Солиқлар тўланишидан олдинги фойда	3039217
15	Тўланган солиқлар	(1492947)
16	Бир йиллик соф фойда	1546270

Ушбу баланс ҳисоботининг ҳамда фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботининг тўғрилиги «KPMG Uzbekistan Limited» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.
Лицензия № 6, 1996 йил 30 декабрь

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Алишер РЎЗИЕВ*, навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Ҳамид БАХТИЁРОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 23.819 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0440

Босишга топшириш вақти 21.00
Топширилди 2200
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55